



NİĞDE ÖMER HALİSDEMİR ÜNİVERSİTESİ
KAZAK ULUSAL KIZLAR PEDAGOJİ ÜNİVERSİTESİ
BAKÜ AVRASYA ÜNİVERSİTESİ

VIII. ULUSLARARASI **TÜRK DÜNYASI** **ARAŞTIRMALARI SEMPOZYUMU**


02 - 05 Haziran 2021 - NİĞDE



TÜRK DÜNYASI
ТҮРКІ ӘЛЕМІ
ТӨРКИ ДОНЬЯһы



TUDAS 2021



BİLDİRİLER KİTABI CİLT I

**VIII. ULUSLARARASI TÜRK DÜNYASI
ARAŞTIRMALARI SEMPOZYUMU**
(2 – 5 Haziran 2021, Niğde)

BİLDİRİLER KİTABI

CİLT I



2021 NİĞDE

Kapak Tasarımı: Recep TETİR

ISBN: 978-625-7698-52-8 (Bildiler Kitabı Takım)
978-625-7698-53-5 (Bildiriler Kitabı Cilt I)

BİLDİRİLER KİTABI

CİLT I

**VIII. ULUSLARARASI TÜRK DÜNYASI
ARAŞTIRMALARI SEMPOZYUMU
(2 – 5 Haziran 2021 Niğde)**

**VIII BEYNƏLXALQ TÜRK DÜNYASI ARAŞDIRMALARI
SİMPOZİUMU
(2 - 5 İyun 2021-Niğde)**

**VIII. ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ТҮРКІ ӘЛЕМІ ЗЕРТТЕУЛЕРИ
СИМПОЗИУМЫ
(2 – 5 Маусым 2021 Нийде)**

EDİTÖRLER

Prof. Dr. Hikmet KORAŞ

Dr. Öğr. Üyesi Adem YELOĞLU

2021 NİĞDE

CİLT I

DİL/EDEBİYAT

Türk Lehçeleri ve Edebiyatları- Karşılaştırmalı Çalışmalar

Türk ve Dünya Edebiyatlarının İlişkisi ve Etkileşimi

**VIII. Uluslararası Türk Dünyası Araştırmaları Sempozyumu’nda
Sunulan Bildirilerin Ülkelere Göre Sayısı**

ÜLKELER (11)

Sunulan Bildiri Sayısı

TÜRKİYE	61
AZERBAYCAN	54
KAZAKİSTAN	41
KIRGİZİSTAN	16
ÖZBEKİSTAN	7
AFGANİSTAN	3
RUSYA FED.	2
ÇİN HALK CUM.	1
K.K.T.C.	1
IRAK	1
ÜRDÜN	1
TOPLAM	188

БИЛИНГВИЗМНИНГ БОЛА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

Манзура ШАМСИЕВА*

Аннотация: Билингвизм ва кўп тиллилікка бўлган муносабат турлича бўлиб, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам жамиятда юз берадиган ижтимоий-сиёсий, маданий, шунингдек, давлатнинг тил сиёсати жараёнлари сифатида белгиланади. Дунёда XX аср ўрталаридан бошлаб болалар билингвизмiga бўлган муносабат, унинг шаклланишига нисбатан қизиқиш қузатила бошланди, сўнгги йилларда эса ахолининг турли қатламларида бу феноменга нисбатан ижобий муносабат доимий равишида ошиб бормокда. Бугунги кунда хориж давлатларида билингвизм ва кўп тиллилікнинг шаклланишига тиллар ва маданиятларни сақлаб қолиш имконияти сифатида қаралмоқда. Экспериментларнинг кўрсатишича, ҳатто икки ёшли болалар ҳам ўз тилини ким билан мулоқот қилаётганлигига қараб мослаштиради. Кодларни алмаштириш бу турли тиллардаги сўзларни тасодифий алмаштириш дегани эмас. У грамматика қонуниятларига бўйсунади. Кодларни алмаштириш икки тилда ҳам лингвистик билимларни талаб қиласди. Шу сабабли коднинг аламашиши чалкашликнинг эмас, лингвистик маҳоратнинг белгисидир. Бу билингвал болалар ва катталар учун ҳам мутлақо нормал ва кутилган ҳолатдир. Билингвизм чалкашликни келтириб чиқармайди ва тилни ўзлаштириш жараёнини кечикитирмайди. Мақолада билингвизмнинг бола ривожланишига таъсири тарихидан бошлаб, бугунги кундаги нуқтаи назарлар ҳамда ўз тажриба натижаларимиз баён этилган.

Калим сўзлар: билингвал болалар, билингвизм, кодлар алмасиши, интеллектуал ривожланиши, она тили, хорижий тил.

The Impact of Bilingualism on Child Development

Annotation: experiments have shown that even two-year-olds adapt their language depending on who they communicate with. Replacing codes does not mean that it is a random replacement of words in different languages. He is subject to the laws of mathematics. Switching codes requires linguistic knowledge in both languages. Therefore, the trouble with the code is a sign of linguistic skill, not confusion. Bilinguism does not bring

* Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти (PhD)

confusion and does not delay the process of mastering.
Keywords: bilingual children, bilingualism, code exchange, intellektual development, native language, foreign language.

Кириш

Билингвизмнинг бола интеллектуал ривожига таъсири ҳақида масала дастлаб ассоциатив психология мактаби вакили И.Эпштейн (1915) томонидан қўйилган. Ушбу масалани тадқиқ этиш тарихи уч даврга бўлинади. Биринчиси – 20-йилларда америкалиқ тилшунослярнинг қатор ишларида билдирилган негатив натижалар даври. И.Эпштейннинг тушунчасида тафаккур – бу фикрлар ва сўзлар ўртасидаги ассоциациядир. Фикр ва бошқа тил сўзи ўртасидаги ассоциация ҳам бўлиши мумкин. Олимнинг фикрича, бир тилни билиш бошқа тилларни ўрганишга халақит беради, чунки икки тилли индивидда мавжуд бўлган кўплаб кесишувчи сўз ассоциациялари айниқса, “ифодалаш”, яъни нутқ ва ёзув доирасида бир-бири билан интерференцияга киришади. Шу тарика, И.Эпштейн икки тиллилик фикрни шакллантириш ва уларни узатиша тўсқинлик қиласи, деб ҳисоблади.

1928 йилда Люксембергда икки тиллиникнинг ўқувчилар интеллектуал ва шахсий ривожланишига таъсири масалаларига багишланган конференция ташкил этилди. Монолингв ва билингвал болаларнинг интеллект даражасини баҳолашга қаратилган IQ тести (интеллектуал коэффициент) монолингвал болаларнинг устунлигидан далолат берувчи натижаларни берди (Saer 1922; 1923; 1924). Люксембургдаги конференция иштирокчиларининг аксарияти ушбу ва бошқа натижаларга асосланган ҳолда она тилидан бошқа тилида таълим олиш ақлий ривожланиш ва шахс ривожланиши учун зарарли, деган қарорга келишиди ва шу билан боғлик равиша иккинчи тилни киритишни кейинроққа қолдириш тавсия этилди.

Бу фикр йигирманчи асрнинг ўрталарига қадар хукмронлик қиласи. Бироқ аксарият тадқиқотларда олдин кўлланган методикаларнинг мукаммал эмаслиги борасида хulosaga келинди (Pinter, Arsenian, 1937; Jones, 1954). Бу тадқиқот натижаларига кўра билингвал ва монолингвал болаларнинг ақлий ва нутқий ривожланиши деярли эквивалентлиги тўғрисида хulosaga келинди.

Д.Т.Сперл (1944) колледжларнинг икки тилли талабалари ақлий ривожланишда бир тиллilarдан фарқланмаслигини, ундан ташқари, касбий доирада улардан бироз устун эканлиги, илмий ишда эса – аҳамиятли даражада устун эканлигини аниқлади. В.Вилдомек (1963)нинг фикрича, билингвизм боланинг тил ва интеллектуал доираларини ҳам бойитиши, ҳам қашшоқлаштириши мумкин. У.Ламбер (1972)нинг кўрсатишича, бир тилли ва икки тилли ижтимоий-маданий даражаси бир хил бўлган болаларни таққосласа, икки тилли болалар ақлий ривожланиши бир тилли болаларга қараганда устунлигини, айниқса, фикрлашнинг ўзига хослиги ва ақлий мослашувчанликни талаб қилувчи вазифаларни бажаришда устунлик қиласди.

М.Сигуан ва У.Ф.Макки, Саер ва У.Ламбер натижаларидаги фарқни синаувчиларнинг ижтимоий-маданий даражасидаги фарқ билан боғлади. Саер тадқиқ этган билингвлар улар таққосланган монолингвлардан кўра нисбатан паст ижтимоий даражага мансуб бўлган. Аксинча, У.Ламбернинг реципиентлари бир хил ижтимоий-маданий даражага эга бўлган. Шубҳасиз, бундай таққослаш бир хил хулосаларни бермайди. Умуман олганда, икки тиллилик болаларнинг ривожланишига ижобий ёки салбий таъсир қилиши борасида мутлақ жавоб бериш мумкин эмас, чунки бу кўплаб омиллар: болаларнинг индивидуал қобилиятлари, таълим сифати, ахолининг ижтимоий-иктисодий ва маданий даражасига боғлик.

Билингвизм болаларнинг интеллектига салбий таъсир кўрсатади, деган фикр хукмронлик қилаётган бир вактда 1935 йилда чоп этилган Л.С.Виготскийнинг мақоласида кўп тиллилик шахснинг тафаккури ва ривожланиш даражасига фақат ижобий таъсир қиласди, деган мутлақо қарама-қарши фикрни илгари суради. Ижобий таъсирлардан бири сифатида боланинг бир фикрни бир нечта тилда ифодалаш қобилияти унга ўз тилини бошқа тиллар орасида ягона аниқ тизим сифатида кўриш имконини беради ва бу унинг лингвистик операциялари англанишига олиб келишини кўрсатади. 1962 йилда Л.С.Виготскийнинг инглиз тилига таржима қилинган мақолалари ва “Thought and Language” (Vygotsky, 1962) китоби Канада, Германия ва Францияда билингвизмнинг ақлий

ривожланишга таъсирининг илмий баҳоси “ижобий” бўлган тадқиқотларнинг юзага келишига бевосита таъсир қўрсатди.

Э.Пол ва У.Ламбертнинг тадқиқотларидан сўнг билингвизмнинг бола ақлий ривожига ижобий таъсирини тасдиқловчи қатор ишлар нашр қилинди. Турли мамлакат тадқиқотчилари билингвларнинг когнитив устунлигини аниқлади. Шундай жиҳатлардан билингвнинг сўзлар ўртасидаги семантик ўзаро муносабатларга нисбатан “сезгирлиги” (McLaughlin, 1984), умумлаштирувчи хуносалар чиқара олиши (Liedtke, Nelson, 1968), вербал трансформация ва алмаштириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни еча олиш (Ekstrand, 1980), новербал вазифаларни ҳал этишда мураккаб таҳлилий стратегияларни қўллай олиши (Ben-Zeev, 1977) кабиларни таъкидлаш мумкин.

Олимлар (Камминс, Д.К. Порше, Т. Скатнаб-Кангас и П. Тоукома) икки тиљлилик ва тафаккурнинг ўзаро таъсирини ўрганишни давом эттириб, бола шахсининг нутқ-тафаккур тараққиётига ижобий таъсир қўрсатувчи икки тилли муҳит шароитларини аниқлаш вазифасини ўртага қўядилар. Масаланинг бу тарзда қўйилишида бир тил тизими ва шароитлари доирасидаги функционал компетенцияларнинг бошқа тил билан ўзаро таъсирининг бирлашуви муҳим саналади. Шундай қилиб, Камминс илмга икки янги атама – “BICS” (basic interpersonal communicative skills) – кундалик мулоқотнинг базавий коммуникатив кўнималари ва кундалик мулоқотдан ташқарида зарур бўладиган “CALP” (cognitive academic language proficiency) когнитив-академик тил компетенциясини киритиб, лингвистик компетенциянинг икки жиҳатини ажратади (Cummins, 1984). BICS ва CALP ўртасидаги фарқни кўрсатиш учун Камминс шартли айсберг образини таклиф этади. Устида тушуниш ва сўзлаш каби лингвистик кўнималар, пастида эса анализ ва синтез қилиш қобилияти туради. Базавий тил билимлари (грамматика, талаффуз, лексика) ҳам “айсбергнинг кўриниб турган қисми” да жойлашади, пастида эса тилнинг семантик ва функционал воситалари туради.

Тил компетенцияларини BICS ва CALP га бўлиш қаторида Камминс ўз назариясига контекстни тушуниш ва когнитив мураккаблик даражаси тушунчаларини ҳам киритади. Шу тариқа, олимнинг фикрича, баъзи коммуникатив вазифалар,

айниқса, улар мұлоқотнинг новербал воситалари ёки ўзига хос вазиятли клишеларни ҳосил қилувчи вербал контекстда когнитив мураккабликни туғдирмайды. Бошқа вазиятлар “контекстдан ташқарыда” гилари эса коммуникация иштирокчиларида когнитив юкни келтириб чиқаради. Масалан, дүкөндөн харид қилиш ёки мәхмөнхонадан хона буюртма бериш каби оддий коммуникатив вазиятлар муайян контекстуал мезонлар билан характерланади, иштирокчилар олдига ҳеч қандай жиғдий когнитив вазифаларни қўймайди ва шу билан BICS компетенцияси доирасида қолади. Ва аксинча, ўкув машғулотлари давомида маълумотларнинг жадал оқими уни ўзлаштириш учун юқори даражадаги когнитив компетенцияни (CALP) талаб қиласи, чунки бундай маълумотларга мавхум мазмун хос бўлиб, контекстуал таянчга эга бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, ўкувчида етарли даражада CALP компетенциясининг мавжудлиги ўкув материалини муваффакиятли ўзлаштиришнинг зарурый шарти саналади.

Шундай қилиб, Камминс билингвнинг тил компетенцияси ва биринчи ва иккинчи тили ўртасидаги ўзаро муносабат даражасини ўрганиб, бола эришадиган иккинчи тил компетенцияси даражаси кўп жиҳатдан биринчи тил ривожланганлиги даражасига боғлиқ бўлади, деб ҳисоблайди (Cummins, 1979). Бу фаразни билингвал нутқ назариясига ўтказищдан шу нарса келиб чиқадики, дастлабки тил ривожланиши она тилида шакллантирилиб, боланинг фикрлаш ва тил қобилияти етарли даражада ривожлангандан сўнг иккинчисини интеграциялаш тўғри бўлади. Натижада биринчи тилдан иккинчи тилга когнитив тузилмаларни ўзига хос тарзда ўтказиш юз беради.

1. Асосий Қисм

Юқорида келтирилган далилларга асосланган ҳолда биз 5-8 ёшли билингвал болаларда билингвизмнинг таъсири қай тарзда намоён бўлиши, З ёшгача бўлган даврдагидан фарқ бўлиш-бўлмаслигини аниқлаш мақсадида тажриба ўтказдик. Чунки аксарият билингвал болаларда нутки равон эмаслиги, ўз она тилини унугиб қўйиш ҳолларини кузатамиз. Бу каби масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида бир катор психолингвистик методикалар ёрдамида билингвал болалар нутки тадқиқ этилди. Дастрраб болаларнинг она тилидаги ва

иккинчи тилидаги тил кўнималари: ўқиш, сўзлаш, тинглаш, тушуниш, ёзиш малакалари текширилди ва унда қуйидаги мезонлар асосида иш кўрилди.

Ўқиш

- Матнинг асосий мазмунини тушуниш;
- асосий фикрни ажарата олиш, матндан нотаниш сўзларнинг маъносини тахмин қилиш;
- матнни ўқиш тезлиги

Сўзлаш

- Диалогда қатнашиш;
- Саломлашиш, танишиш, хайрлашиш, кечирим сўраш, миннадорчилик билдириш, табриклиш;
- саволлар бера олиш; илтиомс қилиш ёки рад эта олиш;
- ўз нуткини мантикий изчилликда туза олиш

Тинглаш

- Асосий маълумотларни ажратиш ва тушуниш;
- Мавзуу, муаммони аниқлаш, тингланган матн мазмунини умумлашириш, саволларга жавоб бериш, унга муносабат билдириш

Тушуниш

- Топширикни тўғри тушуниш;
- матнинг асосий мазмунини сўзлаб берса олиш

Ёзиш

- Алифбони билиши;
- алоҳида сўзларни тўғри ёза олиши

Биз ўз ишимизни билингвал болаларнинг ўзбек ва рус тилларидаги икки тиллилик даражаси – нутқ механизми шаклланишини ўрганиш орқали бошладик. Бунинг учун ўқувчиларга вазифа берилди: аввал тинглаш, сўнгра матн бўйича қисқа ҳикоя ва топширикларни тўлиқ ўқиб, жавоб бериш, тушиб қолган ҳарфларни киритиш, ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини тушунтириш ва кўмакчини тўғри танлаш. Она тили ва хорижий тилда нутқ механизмларининг шаклланиш даражасини аниқлаш воситаси сифатида **«Матн билан ишлаш»** методикасидан фойдаланилди ва қуйидаги натижаларга эга бўлindi:

Нутқ механизmlari шаклланганлик даражасининг %лардаги кўрсаткичи

Мезонлар	Даражалар
----------	-----------

	Юкори	Ўрта	Паст
Ўкиш	20%	30%	50%
Сўзлаш	10%	60%	30%
Тинглаш	10%	50%	40%
Ёзиш	10%	30%	60%
Тушуниш	30%	50%	30%

Жадвалда нутқий механизмларнинг шаклланганлик даражаси фоизларда ифодаланган. Кўриб турганимиздек, экспериментдаги ўзбек билингвал болаларининг тил тайёрик даражаси ўртадан паст. Ўкиш, тинглаш ва ёзишда паст даража кузатилди. Билингвларда саволлар бериш ва уларга тўғри (грамматик) жавоб беришда қийинчиликлар туғилди. Болаларнинг эшитиб тушуниш қобилияти яхши ривожланмаган, секин ўқиди. Ёзма нутқ чегаралangan даражада (алоҳида сўзларни тўғри ёза олади, бироқ алифбо ҳарфларини алмаштиради). Намунасиз, калит сўзларсиз диалог тузишлари қийин кечади. Монологик нутқ яхши ривожланган: қисқа гапларни тузади, матнни қисқача сўзлаб беради (бироқ грамматик ва лексик хатолар мавжуд).

Узбек тилида

Узбек алифбоси билан таниш, бироқ ўкиши суст, ёзувда икки алифбо ҳарфларини аралаштириб қўллаиди

Оғзаки нутки ўртача, фақат шевада шаклланган

Ёзувда турили даражадаги хатоликларга йўл қўяди, асосан “Ў” ҳарфини қўллашда

Нуткни ривожлантиришга қаратилган ёзма ишни жуда паст даражада бажаради

Баъзи адабий тилда қўлланадиган сўзлар маъноси, кўчма маъноли сўзларни тушунишда қийинчиликларга учради;

Рус тилдә

**Интерференция натижасыда рус тилдә күйидаги
хатоларга йўл қўйилган**

Товушларни тушириб колдириш

Қаттиқ ва юмшоқ товушларни фонематик
фарқлашада

Ўргуни хато кўллаш

Семантик ва морфологик хатолар

Хорижий тилни ўрганишда “коммуникатив компетенция”нинг шаклланганлик даражалари мезонларии ва кўрсаткичларини аниқлаштириш мақсадида болаларнинг ёш хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг фарқли жиҳатларидан бири шуки, нутқий қобилияtlар бу даврда ҳануз жадал ривожланиш босқичида бўлади. Ушбу ёшда бола катта микдордаги сўзлар, клишеларни, тақлид воситасида тилнинг талаффуз хусусиятларини эслаб қолади.

Кенгайган нутқнинг тузилиши, бир томондан, когнитив ривожланиш, вазиятда объектларни ажратиш қобилияти, объектлар ўртасида муносабат ўрнатиш билан, бошқа томондан, сухбатдошни йўналтириш ҳамда ўзи ҳам ижтимоий ролига мослашиши билан боғлиқ.

Беш ёшли болада етарли даражада тил қобилияти, шунингдек, мақсадга йўналтирилган жамоавий ҳаракатлар ва улар билан боғлиқ бўлган матнларни яхши тушуниши учун зарур бўладиган структур схемалар шаклланган бўлади. Бундан келиб чиқадики, мактаб ёшига келиб бола нутқнинг вазиятли шартланган моделлари, оддий синтаксис меъёрларини эгаллайди. Вазиятдан объектларни ажратиш ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни вербаллаштириш усувлари тилнинг синтактик тузилишини ўзлаштириш билан боғлиқдир. Болалар

нутқида синтаксиснинг қуйидаги даражалари ажратилган: мазмуний (тема-рема), семантик (фреймлар ва келишиклар), юзаки-грамматик.

Мазмуний синтаксислаш – бу нутқ ҳосил қилишнинг биринчи босқичи. Унга предикация акти сифатидаги объект ва реманинг тема дихотомияси васўзловчининг мотива билан белигланадиган вазиятни ажратиш киради. Мазмуний синтаксислаш “ички сўзлар” билан амалга оширилади ва миллий тилнинг хусусиятларига боғлик бўлмайди. Бола нутқи мазмуний синтаксислашдан бошланади.

Семантик синтаксислаш – бу кейинги босқич. У ифодада номинациялаш функциясини акс эттирувчи семантик келишиклар билан боғланишни аниклади ва тилнинг типологиясига қараб турлича тузилади.

Бола нутқида синтаксиснинг шаклланиши асосан семантик келишиклардан ривожланади ва психиканинг чукур тузилишини акс эттиради.

Актантларнинг ўзаро муносабатлари сўзларнинг тартибида ифодаланадиган грамматик тузилиш “юзаки” келишиклар билан боғлик бўлган сўз шаклларини танлашни сезиларли даражада қувиб ўтади. Бола пассив гапларнинг маъносини тушунишида бу қонуният намоён бўлади. *Мушук им томонидан таъқиб қилинмоқда*, болалар субъект ва объектни аралаштиради. Бу бош келишикнинг ўзига хос мақомини акс эттиради. Номинациянинг синтактик функцияси қуйидаги изчиллиқда шаклланган гапларда: *субъект, ундан сўнг – объект, улардан сўнггина қолган актантлар, - бош келишикнинг ўзи етарли, чунки синтактик муносабатларнинг асосий ифодаланиши воситаси сўзлар тартиби ҳисобланади.*

Шу тарика, олти ёшда тил компетенцияси асосан шаклланган бўлади, бироқ “болалар”нинг шаклланган тил компетенцияси “катталар”ницидан жiddий фарқланади, бу боланинг когнитив ривожланиш даражаси билан боғлик.

Болалар ва катталар тил компетенциясининг асосий фарқлари куйидагилардир:

- объектнинг асосий, мухим белгиларини акс эттирувчи концепт, мавхум тушунчанинг шаклланмаганлиги;-

- улар томонидан белгиланадиган объектнинг белги ва хусусиятларидан бири сифатидаги сўз ҳақидаги тасаввур;
- образли сўзларни англашдаги қийинчилик;
- тил бирлигини ифодалаш планида умумийлиги асосида ички лексикондаги аҳамиятлилик;
- “болалар амалий грамматикаси, “ички” синтаксисдан “ташки”сига ўтишдаги баъзи узилишлар” билан боғлиқ фарқлар.

Болалар нутқининг грамматик тузилишини эгаллаш хусусиятлари бўйича ўтказилган тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, 5-8 ёшли болалар нутқининг грамматик тузилиши ҳали яхши шаклланмаган бўлади. Бу болалар нутқида жуда чегараланган грамматик воситаларнинг қўлланишида намоён бўлади.

Хулоса

Билингвизм ижобий таъсир қилиши учун боланинг биринчи – она тилида етарли даражада компетенцияга эришилган бўлиши лозим. Тадқиқотчиларнинг хулосаларини умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, билингвал болаларнинг асосий устунлик жиҳатлари фикрлашнинг “мослашувчанлиги” ўзига хос “мослашувчанлиги”, ишга турли даражадаги маълумотлар билан билан ишлай олиши ва креатив ёндашишида кўринади. Билингв шахсни шакллантириша куйидаги жиҳатларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқdir:

1. Тартибсиз равища шаклланган икки тиллилик иккинчи тилни тўлақонли ва тўғри ўзлаштиришга тўсқинлик қиласди. Натижада “яrim тиллилик” юзага келади ва бола нафақат иккинчи тилни, балки ўз она тилини ҳам нотўғри ўзлаштиради.

2. Бевосита кундалик мулоқот орқали контактдаги тилларнинг адабий шакли эмас, балки фақат сўзлашув тили ўзлаштирилади. Сўзлашув тилининг ўзига хослиги шундаки, адабий тилдан фарқли равища у меъёrlаштирилмаган, барқарор эмас ва жуда ҳам чегараланган лексикани қамраб олади. Ўзаро алоқадаги тилларнинг икки тарафлама интерференцияси нутқ меъёrlарини янада бекарорлаштиради ва адабий тил меъёrlаридан янада узоклаштиради.

3. Оилада иккинчи тилни қўллаш жараёнида она тилини унутиб қўймаслик лозим. Иккала тилни ҳам ҳар куни бир меъёрда қўллаш мақсадга мувофиқ, агар бунга риоя қилиш мураккаблик туғдирса, унда болада сунъий, яъни ўқув билингвизмини шакллантириш тавсия этилади. Чунки мактаб болада тил компетенциясини шакллантириш ва бир нечта тилларни тўлиқ ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этади. Ўқув жараёнида ўқувчи тилни тўғри қўллаш малакасини ўзлаштиради ва тилни эгаллашда муҳим саналган таққослаш имконига эга бўлади.

АДАБИЁТЛАР

Gloria Eduviges Ramírez Gómez (University of Toronto) «The role of morphological awareness in bilingual children's first and second language vocabulary and reading» PhD dissertation thesis, Department of Human Development and Applied Psychology Ontario Institute for Studies in Education of the University of Toronto, 2009.

Grosjean F. Bilingual: life and reality. – Cambridge: Harvard University Press, 2010. – 276 p.

Skutnabb-Kangas T. Bilingualism or not: The education of minorities. Clevedon: Multilingual Matters 7. 1983.

Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М.: Наука, 1976. – 384с.
Витгенштейн Л. Избранные работы: пер. с нем. и англ. – М.: Территория будущего, 2005. – 439с.

Залевская, А. А. Введение в психолингвистику: Учеб.пособие для студентов вузов / Рос.гос.гуманитар.ун-т М. : Изд.центр РГГУ, 2000 Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования // Высшее образование. - 2003, N5.-381 с.

Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тоҷик билингвизимида намоён бўлиши. Ф.ф.н. дисс., 2007.

VIII. ULUSLARARASI TÜRK DÜNYASI ARAŞTIRMALARI SEMPOZYUMU

02 - 05 Haziran 2021 - NİĞDE



NİĞDE ÖMER HALİSDEMİR ÜNİVERSİTESİ
KAZAK KIZLAR PEDAGOJİ MİLLİ ÜNİVERSİTESİ
BAKÜ AVRASYA ÜNİVERSİTESİ

www.utudas.org